

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-SENTABR

ANDIJON, 2024

"ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА
ЗЎРАВОНЛИКДАН САҚЛАШ: ДАВЛАТ ТАШАББУСЛАРИ ВА ИСЛОХОТЛАР

Шодиева Мадинабону Бобир кизи

Тошкент давлат юридик университети талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни тазийқ ва зўравонликдан сақлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар таҳлил қилинади. Давлат томонидан ушбу соҳани мукаммаллаштириш мақсадида қабул қилинган ташабbuslar, жумладан, Бош прокуратурада алоҳида бошқарма ташкил этилиши, молиявий қўллаб-қувватлаш учун маҳсус жамғарманинг ажратилиши, аёллар учун реабилитация ва мослаштириш марказларининг яратилиши каби чоралар муҳокама қилинади. Бунда, гендер тенглигини таъминлаш ва аёлларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган давлат сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, тазийқ ва зўравонлик, гендер тенглиги, реабилитация марказлари, Бош прокуратура, давлат сиёсатининг ташабbuslari, молиявий қўллаб-қувватлаш.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тазийқ ва зўравонликдан сақлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар мукаммаллаштирилмоқда. Давлат томонидан уялиган ташабbuslar, хусусан, Бош прокуратурада алоҳида бошқарма ташкил этиш ва молиявий қўллаб-қувватлаш учун маҳсус жамғарма ажратиш, аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларини ташкил этиш каби чоралар, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш ва гендер тенглигини таъминлашга қаратилган мухим қадамлардир.

Шу билан бирга, Президентимиз таъкидлаганидек, аёлларни замонавий билим ва касб-хунарларга ўқитиш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар давом эттирилади. Ушбу чоралар билан хотин-қизларнинг фаолияти ва мавқеини янада яхшилаш мақсад қилиб қўйилган.

Ушбу дастур орқали хотин-қизларнинг таълимга бўлган кириш имкониятлари яхшиланмоқда ва уларнинг олий таълимга бўлган иштиёқлари кўпаймоқда. Фоизсиз кредитлар ва давлат бюджетидан тўловларнинг қопланиши таълимни молиявий қўмак билан таъминлайди, бу эса аёлларнинг билим ва касб-хунарларга эга бўлишига кенг йўл очади.

Шунингдек, мазкур дастур хотин-қизларнинг таълимга бўлган қизиқишини янада кучайтириш ва уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган ижобий қадам ҳисобланади.

Сўнгги пайтларда Ички ишлар вазирлиги ҳукуқбузарликлар профилактикаси тизимида хотин-қизлар масалалари бўйича алоҳида бўлим, шунингдек, жойлардаги ички ишлар органларида хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор ҳамда психолог лавозимлари жорий этилгани уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганининг далилидир. Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга йўналтирилган онлайн ўкув курслари тизими ишлаб чиқилиб, алоҳида электрон платформа яратилди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида хотин-қизларнинг фаолиятини кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда. Президент фармонига мувофиқ, оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг миёсдаги қўллаб-қувватлаш чоралари белгилаб берилди ва

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-SENTABR

ANDIJON, 2024

молиявий манбалари аниқланди. Хусусан, 2022 йилда хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 триллион сўм ажратиш режалаштирилган.

Мазкур дастур доирасида ажратилаётган маблағларнинг 4 триллион сўми тадбиркорлик ва даромад топишга қаратилган фаолият билан шуғуланиш ва ишини кенгайтиришга ҳаракат қилаётган хотин-қизларга йўналтирилади. Шунингдек, тадбиркорликка янги кўл ураётган хотин-қизларга ажратилаётган субсидия микдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга оширилади, бу эса уларнинг бизнесини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Яна бир муҳим ислоҳот сифатида, 2022-2024 йилларга мўлжалланган “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинди, унинг доирасидаги лойиҳалар учун 8 триллион сўм маблағ ажратилади. Бу дастур хотин-қизларни тадбиркорликка кенгроқ жалб қилиш, уларнинг бизнес фаолиятини қўллаб-куватлаш, инвестициялар киритиш ва экспортни рағбатлантириш мақсадларига қаратилган.

Хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда ёрдам бериш, тадбиркорлик ғояларини амалга оширишини қўллаб-куватлаш, иқтисодий аҳволи оғир аёлларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга тайёрлаш ва ишга жойлаштириш мақсадида Республика ва худудий хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди.

Қишлоқ жойларида вақтинча ишсиз аёллар ва умумтаълим мактаблари битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш ва молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида онлайн “Biznes klinikalar” ташкил этилди.

2021 йилдан бошлаб, хотин-қизларни тадбиркорликка кенгроқ жалб қилиш ишини самарали амалга ошириш учун Xalq bankinинг республика, вилоят ва туман (шаҳар) тузилмаларида хотин-қизларни қўллаб-куватлаш бўйича ўринбосар лавозимлари жорий қилинди. Шунингдек, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш ва улар учун иш ўринларини яратиш мақсадида 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратиш амалиёти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари жамиятда тадбиркор аёллар сонини 25 фоиздан 40 фоизга ошириш мақсадида 2022–2024 йилларга мўлжалланган маҳсус дастур ишлаб чиқиши белгилади. Бунинг учун ҳар бир банкда аёллар учун алоҳида ўринбосар лавозимлари яратиш ва Xalq banki, Agrobank ҳамда Микрокредитбанкларда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-куватлаш бўйича маҳсус тузилмалар ташкил этиш режалаштирилган.

Иқтидорли қизларни раҳбарликка тайёрлаш ва улар билан тизимли ишлаш мақсадида таълим муассасаларида маҳсус захира ташкил этилди. Сўнгги уч йил давомида Президент стипендияси ва бошқа маҳсус стипендияларнинг 48 фоизи хотин-қизларга насиб этган.

Бугунги кунда Ўзбекистонда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган қизлар сони 365 мингдан ошиб, улар умумий талabalар сонининг 47 фоизини ташкил этмоқда. Магистратурада ўқиётган қизлар сони ҳам кескин ошиб, 2019 йилдаги 4488 нафардан 2021 йилга келиб 13 600 нафарга етган. Шунингдек, олий таълим тизимида илмий-тадқиқот ишларида фаолият олиб бораётган аёллар сони 2,4 мингдан ошган. Улардан 1300 дан зиёди фан доктори (DSc), 1100 нафардан ортифи эса PhD илмий даражасини олиш учун изланишлар олиб бормоқда¹.

Президентимизнинг ташабbusлари билан жамиятда олима аёлларнинг сонини ошириш учун янги имкониятлар яратилмоқда. Жорий йилдан бошлаб, докторантурга йўналишида хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратилиши режалаштирилган.

Шу билан бирга, бу ишлар тизимли равишда ташкил қилиниши ва мувофиқлаштирилиши учун Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси хузурида “Олима

¹ <https://yuz.uz/news/mustahkam-oila-faol-xotin-qizlar-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>

ILM FAN YANGILIKLARI KONFERENSIYASI

30-SENTABR

ANDIJON,2024

аёллар жамияти” тузилиб, унинг фаолиятини қўллаб-кувватлаш учун ҳар йили 50 миллиард сўм ажратилади. Бу жамият илм-фанда катта ютуқларга эришган аёлларни жипслаштириб, уларга ўз билим ва истеъододларини кенгроқ намоён қилиш имконини беради².

Шу билан бир қаторда, аёлларнинг жамиятдаги ролини мустаҳкамлаш ва уларнинг турли соҳалардаги иштирокини ошириш мақсадида Бухоро вилоятида маҳсус лойиха ишлаб чиқилди. Лойиха аёлларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, раҳбарлик лавозимларидағи улушини кўпайтириш ва иқтисодий фаолликларини қўллаб-кувватлашга йўналтирилган. Шунингдек, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига кўмаклашиш мақсадида давлат ва жамият ҳамкорлигига кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланган.

REFERENCES:

1. Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма - Сайдова Л., Умарова Ш., Абулхасан Д., Шотурсунова Н. - Аёлларга нисбатан тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қўлланма [Матн] : қўлланма / Л.А. Сайдова, Ш. Умарова.-Тошкент: Baktria press, 2021. - 26 б
2. <https://plus.rbc.ru/news/5dda0b867a8aa967dba741ba>
3. <https://www.newsfactory.su/ru/economy/330243-v-ssha-poyavilsya-spetsialnyj-bankdlya-zhenschin>
4. Women's Entrepreneurship Strategy SEA Public Statement. URL:
<https://www.ic.gc.ca/eic/site/sea-ees.nsf/eng/ey00049.html> (07.02.2022)
5. <https://immigrant.today/canada/14416-novye-vozmozhnosti-dlja-zhenshhinpredprinimatelej-v-kanade.htm>
6. Impact to-date: BDC Capital’s Women in Technology Venture Fund invests in 25 companies. URL: <https://www.bdc.ca/en/about/mediaroom/news-releases/bdc-capitalwomen-technology-venture-fund-invests-in-25-companies>
7. <https://www.goodnewsfinland.com/ru/opinion/o-zhenshhinah-predprinimateyah/>
8. <https://www.norway.no/ru/russia/norway-russia/news-events2/murmansk/news/-----/>
9. <https://asaf-today.ru/s032150750000696-7-1/>
10. <https://www.samdu.uz/cy/news/38497>
11. <https://yuz.uz/news/mustahkam-oila-faol-xotin-qizlar-jamiyat-farovonligini-belgilaydi>
12. <https://xabar.uz/post/ayollarning-jamiyatdagi-rolini-kuchaytirish-boyicha>

² Women's Entrepreneurship Strategy SEA Public Statement. URL:
<https://www.ic.gc.ca/eic/site/sea-ees.nsf/eng/ey00049.html> (07.02.2022)